

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 18 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 181 (10.990)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижросига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

●Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, Халқ демократик, «Адолат» социал-демократик ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

●Мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб интернатларга «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 86 та «ISUZU» автобуслари совға қилинди.

●Самарқандда «Жигар, ошқозон ости беши соҳаси хавфи ўсмалари эпидемиологияси, ташхиси ва даволаш усуллари» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

●Термиз шаҳрида «Фермер ҳўжаликлари ривожлантириш—кишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши» мавзусида семинар ўтказилди.

●Буюк Ипақ йўли бўйлаб саёҳатга чиққан бир гуруҳ хорижлик велосипедчилар Самарқандда келишди. Канада, АҚШ, Австралия, Австрия, Буюк Британия, Голландия, Франция, Германия, Жанубий Африка Республикаси, Янги Зеландия мамлакатлари вакиллари билан иборат 55 нафар спортчи Самарқанд билан яқиндан танишиш мақсадида шаҳарда бир неча кун қолишди.

●«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими қошида «Еврометаллмебель» шўъба корхонаси иш бошлади. Замонавий ўсуналар билан жиҳозланган ушбу корхонада стол, стул, китоб жавони каби идора жиҳозлари тайёрланмоқда.

●«Ангренгисткум» масъулияти чеklangан жамияти қошида мини завод ишга туширилди. Хитой технологиялари билан жиҳозланган ушбу шохобода фақат оддий гишт эмас, балки тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклашда асқотадиган қопламалар ва кошинкор қадамалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

●Жиззах туманидаги «Тоқчилик» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тўрт қаватли янги коллеж қуриб битказилиши учун 2 миллиард 150 минг сўмлик маблағ сарфланди. Замонавий ва энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган ушбу ўқув даргоҳида ахборот-ресурс маркази ва спорт зали ҳам мавжуд.

●Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейининг Мустақиллик бўлимида миллий спортимиз — курашга бағишланган кўرғазма очилди. Кўрғазмага қўйилган экспонатларни кўриш учун хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар таширф буюриши кутилмоқда.

ЖАҲОНДА

●Афғонистон полицияси 23 нафар жанубий корейликни гаровга олишда бевосита иштирок этган толибларнинг уч нафар етакчисини йўқ қилганлиги ҳақида «Ассошэйтед пресс» ахборот агентлиги мамлакат ички ишлар вазирлиги вакили хабар берди.

●Калифорнияда кучли ўрмон ёнгинлари рўй бермоқда. Манбаларда келтирилишича, «Тилсиз ёв» катта ҳудудни қамраб олган ва аҳоли яшаш жойларига яқинлашиб қолган. Шу сабабли айни пайтга қадар беш минг аҳоли зудлик билан эвакуация қилинди.

●Таиланднинг Пхукет ороли аэропортида MD-82 русумли йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Хабарларда айтилишича самолёт бортида бўлган 130 нафар йўловчи ва экипаж аъзоларидан 91 нафари воқеа жойида вафот этган. Уларнинг 55 нафари хориж фуқаролари эканлиги айтилмоқда.

●Фаластиннинг Газо секторидаги жамики жангарилар гуруҳлар бир ой мuddатга отишмаларни тўхтатишга қарор қилди. Бундан бир неча ой илгари сектордаги назоратни қўлга олган ХАМАС ҳаракати Рамазон ойида Исроил билан вақтинча тинчлик шартномаси тузишга аҳд қилган, бошқа гуруҳлар ҳам шундай қарорга келган.

●Вашингтонда кўп минг сонли норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Ироқдаги урушларга норозилик билдирган намойишчилар Оқ уйдан Капитолий биносига қадар «юриш» қилган. Мазлумотларга кўра, намойишда 100 мингдан зиёд америкалик иштирок этган.

●Швейцариянинг Интерлакен шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда 109 давлатдан иштирок этган генетик олимлар жажон кишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларининг генетик банкни ташкил этишга аҳд қилишди.

●Бельгиянинг Антверпен шаҳри жамоат транспортда, аниқроғи, трамвайда йўлқира тўловни мобил телефонлари орқали амалга оширган Европадаги биринчи шаҳардир, деб хабар беради «Булитин» журнали. Шаҳар транспорт компанияси ушбу лойиҳага катта умид билан қарамоқда.

●Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин «Валдай» мунозара клубида бўлиб ўтган учрашувда мамлакат президентлиги учун бўладиган сайловда беш киши номзод сифатида кураш олиб бориши мумкинлигини маълум қилди. «Вести» телеканали хабарига айтилишича, Давлат бошлиғи уларнинг номларини ошкор этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги гамўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан тақомиллаштириб бориш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябрдан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти қаррасидан саккиз қаррасигача миқдорга оширилсин.
2. Маазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, шунингдек, зарур ҳолларда, Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.
4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун киритсин.
5. Маазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора- тадбирлар тўғрисида" ги Фармони ШАРҲ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш гоят муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляциянинг пастлиги мана шу кенг миқдори ижтимоий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ишончли негиз яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан стратегик муҳим вазифа — ҳар уч йилда аҳоли даромадлари ва иш ҳақининг ўрта ҳисобда 2-2,5 баравар оширилишини таъминлаш, яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига кўтариш вазифаси қўйилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимида пенсионерлар тўғрисида гамўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари муттасил тақомиллаштириб борилмоқда - 2002 йилдан бошлаб мамлакатда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давоматини чеклаш бекор қилинган, 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида яқка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон давлатимизда пенсия ёшига етган деярли 3 миллион фуқаро даромадларининг асосий манбаи — пенсияларни янада қўлайтиришни таъминлаш бўйича аниқ-равшан вазифаларни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 октябрдан жорий этиладиган ушбу Фармоннинг муҳим хусусияти шундаки, пенсияни ошириш пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган даромадларнинг чекланган миқдорларини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти қаррасидан саккиз қаррасигача миқдорга ошириш ҳисобидан таъминланади.

Бунинг боиси шунки, кейинги йилларда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақига нисбатан илдам суръатлар билан ортиб бормоқда, пенсия ёшига етган шахслар орасида эса меҳнат даромадлари юқориқоқ бўлган ҳодимлар улushi тора қўлаймоқда.

Маазкур норманин жорий этилиши шу йилнинг 1 октябрдан оқ пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг талайгина тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган унумли меҳнатдан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишда фаолроқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2007 йилнинг 1 октябрдан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларгагина эмас, балки, биринчи навбатда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Шу муносабат билан, ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияни тайинлашда ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти қарра миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган барча пенсиялари қайта кўриб чиқилади, пенсиялар янги нормативдан келиб чиққан ҳолда оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ижроия ҳокимият органларига пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини ҳамда уларнинг жорий йилнинг октябрдаёқ оширилган миқдорда тўланишини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, зарур ҳолларда эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2007 йилнинг ўзидагина 20 миллиард сўмдан ортиқ, 2008 йилда эса 100 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.



ПОЙТАХТНИНГ Бир кун Янгиликлар, воқеалар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

ШУ КУНЛАРДА ТОШКЕНТ БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ИККИТА ЙИРИК ХАЛҚАРО АНЖУМАН МЕЗБОНИГА АЙЛАНДИ. БУЛАР — ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН III ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ ВА IV ХАЛҚАРО ПАХТА ВА Тўқимачилик КОНФЕРЕНЦИЯСИДИР.

Маазкур анжуманлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан "Cotton Outlook" журнали, Пахта бўйича халқаро маслаҳатлашув қўмитаси, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Бу ерда жажон пахтачилик ва тўқимачилик саноати етакчиларига, ўнлаб мамлакатлардан келган савдо агентларига нафақат ушбу соҳаларнинг ривожланиш истиқболлари, ўз маҳсулотларининг жажон бозоридаги нархлари конъюктурасини муҳокама қилиш, мамлакатимиз пахтачилик мажмуаси салоҳиятини юксалтириш стратегияси билан танишиш, айни пайтда ўзбек пахта толасини бевосита етказиб бериш

бўйича шартномалар тузиш имкони яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференциясини очар экан, мамлакатимиз бугунги кунда халқаро пахта бозорининг етакчилари билан бирга айланганини таъкидлади. Конференцияда ва III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунёнинг 34 мамлакатидан 250 компаниянинг 450 нафар вакили иштирок этмоқда. Бу ўтган йилларга қараганда анча кўп бўлиб, чет эл ишбилармон доираларининг пахта етиштириш, пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кўп асрилик аъёналарга эга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилиши ортиб бораётганлигини далолат беради.

(Давоми 3-бетда).

ЮРТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ
АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100
ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАЁТИР. ШУ
МУНОСАБАТ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ БОҒДА
АБДУЛЛА ҚАҲҲОРГА ЎРНАТИЛГАН
ҲАЙКАЛНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИ
Бўлиб ўтди.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, халқ шоири Жуманиёв Жабборов, академик Азиз Қанонов, Абдулла Қаҳҳор яшаб, ижод қилган Яқкасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Михаил Киктев истиклол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий адабиётимиз ривожига бекиёб ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар хотирасини эъзозлашга, ижоди ва адабий меросини асраб-авайлашга, чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 3-бетда).

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида тўғарақлар, ўқув курслари ўқитувчилари, аъзолари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Терроризмнинг жамият тараққиётидаги салбий таъсири» деб номланди.

●**БУГУН** «Ўзмедмашсаноат» касаба уюшмалари қўмитасида «Ўзбекистон-

нинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

●**АЙНИ** кунларда Алишер Навоий киносаройида кино мухлислари эътиборига ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Ўн саккиз кизинчи квадрат» бадиий фильми намойиш этилмоқда.

●**ЮНУСОБОД** туманидаги Гуломмахмуд Абдуллаев номли 271-мактабда Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб

уюштирилган адабий кечада қатнашганларга ўқувчилар томонидан ёзувчининг «Оғриқ тишлар», «Аяқонларим» ҳикоялари асосида тайёрланган сахна кўришнилари намойиш этилди.

●**КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошидаги солиқ коллежи ўқувчилари Мустақиллик майдонига экскурсия уюштиришди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



КИШИЛАРНИ ЭЗГУЛИККА ДАВЪАТ ЭТИШ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АДАБИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ БЕКИЁСДИР. АДИБ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган атоқли намояндалар хотирасини эъзозлаш, ёшларни уларнинг асарларида тараннум этилган инсонпарварлик гоғларига асосида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йил 8 январда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ёркин далилидир.

Мамлакатимизда атоқли адибнинг ҳаёти, фаолияти, адабий меросини ўрганмишга катта эътибор қаратилмоқда. А.Қаҳҳор асарларининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, фидойилик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ўрни гоят каттадир. Юртбошимиз фармонига биноан 2000 йилда Абдулла Қаҳҳор «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

(Давоми 3-бетда).

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ:

ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

Ширкат — ибрат

КЎРҚАМЛИКДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ «БАХТ НУРИ» ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТИ РАИСИ БАҲОДИР ҲАСАНОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ФАРМОНИГА КЎРА «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАНГАНЛИГИ НАФАҚАТ УНИНГ ЯҚИНЛАРИ ВА ШИРКАТ ХОДИМЛАРИНИ, БАЛКИ БАРЧА ШИРКАТ МУЛҚДОРЛАРИНИ МАМНУН ЭТДИ, ДЕСАК АСЛО МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

Чунки коммунал соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Баҳодир Ҳасанов ўзи раҳбарлик қилаётган ширкатда кўп қаватли уй-жойларнинг яшовчиларга қўлайлик яратиши, муаммоларини биргаликда ҳал этиши, барча хизматларни намунали ташкил этишга ҳаракат қилиши, уйлар ён-атрофларининг ободлигига ҳисса қўлиши, кўйинги хонадон аъзолари қувончоно ташвишига шерик бўлишдан асло қармамайди. Уни ҳаммаша ширкат тасарруфидоғи уйларда — гоҳ хонадон аъзолари, гоҳ уйбоши ва йўлакбошилар билан суҳбатда учратасиз. Шу боис бўлса керак, ширкат раиси ҳар бир уйдаги бажарилиши керак бўлган юмушларни билади. Ва йил бошида режаларни аҳоли билан биргаликда ана шу асосда белгилаб олади.


Яқинлашиб келаётган кий мавсумига қизгин тайёргарлик олиб борилаётган айна паллада Баҳодир Ҳасанов ҳам ходимлари билан биргаликда яшовчилар учун мавсумда ҳар томонлама қўлайлик яратиши мақсадида саъй-ҳаракат қилишмоқда.

Ширкатимизга 6 та кўп қаватли уй бирлашган бўлиб, — дейди ширкат раиси Баҳодир Ҳасанов, — уларнинг 2 таси 9 қаватли ва 4 таси 5 қаватли бинолардир. Ушбу уйларда 700 та хонадон мавжуд ва уларда 2480 нафар аҳоли истиқомат қилади. Албатта, уларга ҳар бир хиз-

матнинг сифатли ва вақтида кўрсатилишига ҳаракат қилган, эътибор берган ҳолда умумий мулкни асраш,

хавли ва майдончаларни ораста сақлаш, болалар учун яхши шартнослар яратишга эришяпмиз. Бунда, албатта тушунтириш ишлари яхши самара бериб, яшовчиларда мулкдорлик ҳисси ортомқда, ҳаётларда фаол қатнашишмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўз уйларининг эгалари эканликларини тушунган ҳолда кўлдан келадиган юмушларни четдан ёрдам кутмай бажаришга ҳаракат қилаяпмиз. Албатта, хизмат сифатли бўлган, тўлов ҳам шунга яраша бўлишига эришмоқда-миз ва қарздорлик қайтарилмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, барча ишларни кўнгилдагидек адо этишга, ширкатда фаолият кўрсатаётган 11 нафар ходимнинг имконияти камлик қилади, албатта. Шу боис ҳам бу борада уйбоши ва йўлакбошилар, хонадон эгаларининг фаоллигига таянишмоқда, ҳамжихатликка эътибор қаратиляпти. Шу ўринда ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган Саид Мухамеджонов (19«б»-уй), Ҳормон Акбаров (10-уй) сингари уйбошилар ва Рихис Мухаммад-жонов, Дилшод Оқмирзаев каби ширкат ходимлари меҳнатини таъкидлаш лозим.



Айни пайтда қиш тараддуди қизгин олиб бориляпти, яъни уйларнинг иссиқлик қувурлари босим остида ювилади, профилактика ишлари олиб борилди, томларни таъмирлаш юмушлари эса давом этмоқда. Кириш йўлакларининг барчаси таъмирланган бўлиб, темир эшиклар ўрнатилган. 4 та болалар майдончаси яшовчиларнинг фарзандлари билан гавжум бўлади. Уйларнинг ён-атрофларига арча ва бошқа манзарали дарактлар экилган. Энг муҳими эса ўтқазилган гул ва дарактларни авайлашда ҳам хонадон аҳлининг масъуллиги ортиб бораётганидир.

Бежизга ҳамжихатлик бор жойдан барака аримайди, дейилмаган. Шубҳасиз, ширкат раҳбари ва ходимлари, ширкат мулкдорларининг бугунги саъй-ҳаракатлари ўзларига кўрсатиладиган намунали хизматда, қўлай шартносларда, уйлардаги ободлик ва кўркамликда намоён бўлади.

Шарофат БАХРОМОВА

СУРАТЛАРДА: ширкат ходимлари ва уй мулкдорлари вазифаларни бамаслаҳат адо этишда; ширкатнинг намунали уйлари, болалар майдончасида. Азамат Аҳмадов олган суратлар

Қиш тайёргарликни ёқтиради

ТАРАДДУД ҚИЗГИН КЕТМОҚДА

ЎЛКАМИЗДА ТАРОВАТЛИ КУЗ ФАСЛИ ҲУҚМ СУРАР ЭКАН, УНИНГ ҲАР БИР КУНИДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИБ, ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗМОҚ ЛОЗИМ. АЛБАТТА, ҚИШГА ТАРАДДУДНИНГ ПУХТА ОЛИБ БОРИЛИШИ МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. АХИР ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗГА «ЁЗ ЁПИНЧИНИ» ТАШЛАМА, ҚИШДА ЎЗИНГ БИЛАСАН» ДЕЙИШМАЙДИ-ДА.

Аҳоли учун зарур ва қимматли неъматларимиз, бебаҳо бойликларимиз сирасидан ҳисобланган табиий газнинг, айниқса қишнинг совуқ кунларида қадри ўзгача. Шу боис ҳам ушбу «зангори олов»нинг корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда аҳоли хонадонларига мунтазам ва хавф-хатарсиз етиб боришида «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «Тошкентшаҳаргаз» филиали жамоасининг ўзига хос ўрни бор. Эрта баҳордан кузги-қишки тадбирлар режасига мувофиқ тараддуд ишларини амалга ошираётган ушбу корхонада айна дамларда юмушлар қизгин паллага кирган. Газчиларнинг бутун диққат-эътибори белгиланган режаларни муваффақиятли удаллаш, қишнинг қорли-қоралли кунларида рўй берадиган носозликларнинг олдини олиш, газдан хавфсиз фойдаланишга истеъмолчиларни жалб этиш ҳамда намунали хизматни ташкил этишга қаратилган.

Аввало шуни мамнунлик билан таъкидлаш лозимки, асрлар мобайнида ўтин ва кўмир ёққича мослашган шахримиз бугун табиий газдан тўлиқ фойдаланишга ўтди, — дейди филиал бош муҳандиси Миржалол Зуфаров. — Бу вазифани амалга оширишда 50 йилдан бешти истеъмолчиларни оғирини енгил қилиб, халқимиз мушкулсини осон этган, фаровонлигини оширишга, қўлайликлар яратишга ҳисса қўшаётган «Тошкентшаҳаргаз»нинг алоҳиди ҳисоби. Корхона ўз

фаолиятини 1957 йилда Тошкент шаҳридаги 200 хонадонни газлаштиришдан бошлаган эди. Бугунги кунга келиб эса «Тошкентшаҳаргаз» филиали 5121 километр узунликдаги газ қувурлари орқали аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга узлуқсиз ҳамда хавф-хатарсиз табиий газ етказиб беришмоқда. Бу вазифани адо этишда корхонанинг малакали кадрлари — етук мутахассисларининг ҳиссасини айтиш, меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Белгиланган кузги-қишки тадбирлар режаси бугунги кунга келиб қандай амалга оширилмоқда?

— Тадбирлар режасини вақтида амалга ошириш мақсадида жамоамизда назорат штаби ташкил этилган. Аввало, 2006-2007 йилги куз-қиш мавсумида аҳоли томонидан тушган шикоят ва аризалар ўрганиб чиқилди, ҳамда эътиборга олинди. 2007-2008 йилга иситиш мавсумида пойтахтимизда газ босими етарли бўлмаган ҳудудларда газ таъминотини яхшилаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросига, мавсум тараддуғига доимий эътибор қаратилмоқда.

Белгиланган чора-тадбирларга кўра, 52,72 километр газ қувурларини мукамал таъмирлаш, 86 та юқори босимли ва 1602 донга ўрта босимли газ тақсимлаш мослама (ГТМ) ларни тафтишдан ўтказиш, 1160 километр ер ости газ қувурларини асбоб

ёрдамида текширувдан ўтказиш, 60 километр ер ости газ қувурларини босим остида синаш, 92 километр ер усти газ қувурларини таъмирлаш ва бўйиш, 205412 донга дубдорларни қуриқдан ўтказиш ва турар жой биноларини газ асбобларини техник тафтиш қилиш лозим эди.

Бугунги кунга келиб эса асосий ишларни амалга оширишга муваффақ бўлинди. 86 та юқори ва 1602 та ўрта босимли ГТМлар техник тафтишдан ўтказилди. Жорий таъмирланиши лозим бўлган 416 та ГТМларнинг барчасида ишлар ниҳоясига етди. Газ қувурларини махсус асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказиш ишлари ҳам тугалланди, режадагидан анча ортқ, яъни 122,6 километр узунликдаги ер усти газ қувурлари бўлди. Газ қувурларини мукамал таъмирлаш ҳам қизгин паллада ва тез кунларда тугатилишига эришишга ҳаракат қилинляпти.

Албатта, амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар истеъмолчилар талабини қондириш, уларга намунали хизмат кўрсатиш, аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга мунтазам табиий газ етказиб бериш, қўлайлик яратишга қаратилган. Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш керакки, истеъмолчилар ҳам ўзлари учун зарур ва беиннат дастёр бўлган «зангори олов»нинг қадрига етиши, исрофгарчилигига йўл қўймаглиги, тежамкорликка эътибор бериши, газдан бехатар фойдаланиш қоидаларига амал қилиши, ноқонуний ишлатишларга чек қўйиши ва шунинг баробарида ўз бурч ҳамда мажбуриятларини ёнда тутиб, газ ҳақини вақтида ва тўлиқ бажаришлари лозим. Ана шунда хизмат ҳам сифатли, ҳам намунали бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Тўловлар

ҚАРЗДОРЛИКДАН ҚУТИЛИНГ

КЕКСАЛАРИМИЗ ИБОРАСИ БИЛАН АЙТГАНДА, ҲАДЕМАЙ «ҚИЛИЧНИ ҚАЙРАБ» ҚИШ ҲАМ КИРИБ КЕЛАДИ. ШУ БОИС ҲАМ АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲАР ХЎЖАЛИГИНИ МАВСУМГА ҲОЗИРЛАШ ИШЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА. БУНИНГ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДАКИ, УНИНГ ЗАМИРИДА АЛБАТТА, АҲОЛИГА ҚўЛАЙЛИК, НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ЁТАДИ.

Қишнинг қаҳратон кунларида хонадоннинг иссиқ бўлиши, гази мунтазам ёниши, иссиқ ва совуқ сув жўрракдан шовуллаб оқибини ким ҳам хохламайди дейсиз? Бундай қўлайликлардан баҳраманд бўлишни ҳар бир истеъмолчи истайди. Лекин ана шу бебаҳо неъматларнинг қадрига етиш, фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини тўлашни айрим ҳамшаҳарларимиз унутиб қўйишмоқда. Натيجаси эса ўз-ўзидан аён: маблағ муаммоси туфайли носозликлар вақтида бартараф этилмайди, хизмат сифати пасаяди. Ахир бундай нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига ўз бурчларини бажармаётган, имконияти бўла туриб, бепарволикка йўл қўяётган истеъмолчилар ҳам улуш қўйишяптида.

Қарздорлар рўйхатига кўз югуртилар эканмиз, уларнинг сабуру тоқатиға, боқибегамлигига тан бердик ва бурчларини эслатиб қўйишни лозим топ-

дик. Қарздорларнинг «энг олдин» сафида бораётганлар— Мирзо Улуғбек тумани Қори Ниёзов кўчаси, 5-уй, 65-хонадондан С. Ҳабибуллаева 978.880 сўм, Пушкин-Салор кўчаси, 7-уй, 27-хонадондан Х.Ҳакимова 948.770 сўм иссиқлик ва иссиқ сув ҳақини тўлашмаган. Бу ҳолни қандай изоҳлашга, уларнинг лоқайдликларини таърифлашга сўз тополмайсан. Шунингдек, тумандаги Х.Абдуллаев кўчаси, 71-уй, 175-хонадондан Ш.Жўраева 856.740 сўм, Лашкарлар кўчаси, 3-уй, 2-хонадондан Р.Турсунқулов 819.780 сўм, Яланғоч кўчаси, 113-уй, 18-хонадондан Х.Турғунова 816.600 сўм, Толстой кўчаси, 2-уй, 10-хонадондан С.Курловский 805.820, Қори Ниёзов кўчаси, 5-уй, 28-хонадондан М.Акmalова 805.350 сўм тўловларни бажармай бамайлихотир юришга уялмаяптимикиан-а? Ахир улар бу бегамликлари билан нафақат ўзларига балки бир уйда

яшовчи қўни-қўшиларига ҳам зарар етказишмоқда, носозликларнинг кўпайишига «ҳисса» қўйишмоқда.

Албатта, хонадонларда совуқ сувнинг бўлмаглиги ҳам катта ноқулайликлар туғдиради. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Чунки пойтахтимиз аҳолисини туну кун тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ҳар биримиз ундан истоганча фойдаланамиз, истеъмол қиламиз. Лекин ишлатилган сув учун вақтида ҳақ тўлаяпмизми, табиатнинг бебаҳо неъматини қадрига билияпмизми? Шу ўринда ҳамма ҳам ижобий жавоб бера олмайдими. Чунки сувдан қарздорлиги ортиб бораётган хонадон эгалари ҳам бор, албатта. Масалан, Юнусов тумани, 10-мавзе, 5-уй, 57-хонадондан К.Алимова 180 минг сўм, Гулистон 2-боши берк кўчаси, 7-уйдан Г.Обиджонов 186.280 сўм, 4-мавзе, 76-уй, 38-хонадондан Б.Абдуқодиров 139.300 сўм, М.Ан кўчаси, 30-уйдан Р.Нодиров

112.180 сўм, 7-мавзе, 42-уй, 37-хонадондан Н.Куликова 94.700 сўм совуқ сув тўловларини адо этмай юришибди. Ҳеч бўлмаса сув, чой ичаётганингизда эслаб қўйинг: ҳақини тўлаганмисиз? Негаки, текин тоқони тешади-да.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шундай гўзал шахримизга покчилик, орас-таллик, тозаллик ярашади. Бунга ҳар бир ҳамшаҳаримиз улуш қўша қўлдан ҳоли бўлмайди. Маиший чиқиндиларнинг ҳар кунги ўз вақтида олиб кетилиши эса аҳолининг бу борадаги тўловларини вақтида бажаришига кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта. Шайхонтохур тумани, Янгийўл кўчаси, 70-уйдан А.Комилова 57000 сўм, Коратощ кўчаси, 41-уй, 51-хонадондан С.Ниёзов 39.500 сўм, 31-хонадондан К.Солиев 30 минг сўм, Ҳамза тумани, 4-Лисунов кўчаси, 22-уй, 23-хонадондан М.Нурматов 44 минг сўм, Строительная кўчаси, 35-уй, 14-хонадондан Р.Ҳусниязова 41.250 сўм қарздор бўлиб, маиший чиқиндилар учун тўловни бажармай юришибди. Юқоридаги барча истеъмолчиларга таъкидлаш айтишимизки, хизматдан фойдаланган, ҳақини ҳам тўлашни унутманг. Чунки олмақнинг бермоғи ҳам бор.

(Ўз муҳбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

ШИРКАТ УСТАВИ

Уй-жой мулкдорлари ширкати уставидан нималар бўлиши керак? Ширкатнинг намунавий уставини ким тасдиқлайди?

Дилдора Алиева, Кундуз Бердиева, Ширкат аъзолари.

— Уй-жой мулкдорлари ширкати-нинг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни 11-моддасида ширкатнинг устави хусусида қуйидагилар баён этилиб, унинг уставидан қуйидагилар бўлиши қўрсатиб ўтилган: ширкатнинг тўлиқ номи; фаолиятининг соҳаси ва мақсади; жойлашган ер (почта манзили); жой мулкдорлари ширкатига бирлашган кўп квартиралы уйнинг (уйларнинг) манзили; ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; мажбурий бадалларнинг миқдорларини белгилаш ва ширкат аъзолари томонидан уларни тўлаш тартиби; умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни ҳамда бошқа фаолиятини бошқариш тартиби; ширкатнинг бошқариш органлари ва тафтиш комиссиясининг миқдор таркиби ҳамда сайланиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ваколатлари, қарорлар қабул қилиш тартиби. Шунингдек, ширкат уставидан ширкат фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

БАРЧА АЪЗОЛАРГА МАЖБУРИЙМИ?

Мен маълум сабабларга кўра хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг умумий йиғилишида қатнаша олмадим. Ана шу йиғилишда қабул қилинган қарор мен учун ҳам мажбурий ҳисобланар экан, шу тўғрими?

Тўхтасин Одилов, хонадон эгаси.

—Ҳақиқатан ҳам шундай. Яъни ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарор, агарда ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса қабул қилинган ҳисобланади. Қарор қабул қилинганда йиғилиш кун тартибидоғи масалалар бўйича ширкат аъзосининг қарори кўрсатилган ва имзоси қўйилган ҳолда йиғилишга ёзма шаклда берилган ширкат аъзоларининг овозлари ҳисобга олиниши ширкат уставидан белгиланган бўлиши мумкин. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

Иқтисодиёт

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

БОЗОР ТАЛАБИ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҶТИЁЖИ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, АЛБАТТА УНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ОШИРАДИ, БУЮРТМАЧИЛАРИ САФИНИ КЕНГАЙТИРАДИ.

«Ирригация бўйича бош конструкторлик бюси» қўшма корхонасида ҳам бу борада саъй-ҳаратлар яхши самара бериб, маҳсулот турлари ортиб бормоқда. Корхонада халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланиши мумкин бўлган замонавий металл ва бириктувчи деталлар тайёрлаш ҳам лаштирилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш цехларида бирида кулай ва экологик тоза ип-газлама кўлқоп ҳам тайёрланмоқда.

Корхонада замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган қувурлардан маъмурий ва тур жой бинолари, саноат корхоналарининг совуқ ва исқ сув таъминотида, радиаторли ва пол ости иситиш тизимида, стадион, сузиш ҳавзаси ва оқиқ майдонларни иситишда фойдаланилмоқда. Ички диаметри 12 н 25 миллиметргача ва ташки диаметри эса 16 дан 5 миллиметргача бўлган ушбу қувурлар Целсий шласи бўйича 120 даражагача бўлган иссиқликка чиқилди.

Ўрнатишга кулай ва сифати билан ажралиб тувчи ушбу қувурларнинг нафақат пойтахтимизда, бал Фарғона водийси, Самарқанд вилоятларида ҳам ҳаётдорли сафи ортиб бормоқда. Шунини алоҳида таъйлаш ўринлики, буюртмалар ортиб бораётгани боисорий йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажмининг икки барбарга ошириш кўзда тутилмоқда. Албатта, бунинг ниятида қўшма ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Айни пайтда корхонада мамлакатимизнинг фмер хўжалиқлари, саноат корхоналари ва курилиш шиклотларида кенг қўлланилаётган кўлқопларданнига 45 минг жуфт ишлаб чиқарилмоқда. Янгилик: яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш йўлидаги златишлар эса давом этмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

ЯҚИНДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҲАМЗА ТУМАНИДА ЯНА БИР ЯНГИ ЛОЙИҲА АМЛГА ОШИРИЛИБ, «МЕДИКОТ» ЎЗБЕКИСТОН—ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ.

Йилига 4 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қуятига эга бўлган ушбу қўшма корхонада гипроскопи тиббиёт мотиғи тайёрлаб 100 фоиз экспорт қилиниши кўзда тутилган. Энг асосийси эса мамлакатимизда халқнинг меҳнати эвазига етиштирилган маҳсулот Россия, АҚШ, Англия, Исроил ва бошқа йирик давлатларга экспорт қилинади.

Жорий йил охиригача иш бошлаган режаларни ушбу корхонада қурилиш-тиклаш, цехларни замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлаш муваффақиятли амалга оширилди. Германия, Италия, Бельгия Исроилдан келтирилган, бугунги кун талаблари тўла жавоб берадиган технологик линия ва ускуналар биринчи босқичда пухта тайёрланган кадрлар —10 нафар ишчи-хизматчи бошқаришади. Корхона тўла қувват билан ишлагандан сўнг яна 40 тага яқин янги ишчи ўринлари яратилади. 1,4 гектар майдонни эгалган қўшма корхонада айни пайтда охириги ишлар ноҳиясига етмоқда. Корхонада 4 та цех фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир цехда маҳсулот сифатини назорат қилувчи лабораториялар ҳам бор.

Жамшид КАДЛОВ

Транспорт

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН УСУЛДА

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ТАШИШ, ТУШИШ, ЖОЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҚАТО! ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ТОШКЕНТ ТОВАР СТАНЦИЯСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТЕХНИКАВИЙ ТАДБИРЛАР ТУФАЙЛИ АКСАРИЯТ ЖАРАЁНЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛДИ.

Чўқурсой ва Сергели товар станциялари ҳам ижтисодиётга ихтисослаштирилди. Бу эса контейнерларда юк ташиш йўналишларини кенгайтириш имконини берди.

Тошкент товар станцияси эндиликда 3 тоннадан 5 тоннагача контейнерлар ва усти ёпиқ ҳаракатли соствалар билан ҳам шуғулланиб, юк ташиш миқдорини оширишга эришмоқда.

ФАҲРИЙ НОМ ЭҶАИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «СЕРГЕЛИ ҚЎРҒИ» — «ИППОДРОМ» ЙЎНАЛИШИДА ҚАТНАГАН АВТОБУСЛАР ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ МАНУН БЎЛМОҚДА. 86-ЙЎНАЛИШДАГИ АВТОБЕСНИ БОШҚАРАЁТГАН МОҶИР ҲАЙДОВЧИ АБДУҚОДИР МИРЗОТУЛЛАЕВ ҲАМ ПЕШҚАДАМЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ КЕЛМОҚДА.

«Тошавтотранс» компаниясига қарашли «автобус корхонасида кўпдан бери фаолият кўрсатиб келаяётган бу чалдаст транспортчи мана 30 йилдан, ўз касбини эъзозлаб келмоқда.

Унинг кўп йиллик меҳнати яқинда муносиб иқдирланди. У «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш» транспорт фахрий ходими» кўкрак нишони билан мотфоланди.

ЗАМОНАВИЙ ВЕ КЎПЛАЙ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ПАРКИ ТАЛАЙГИНА ЯНГИ АВТОУЛОВЛАР ҲИСБИГА БОЙДИ. САМАРҚАНДА ЧИҚАРИЛГАН «ИСУЗУ» РУСУМДАГИ АВТОБУСЛАР ҲАДА РОССИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН «КТМ» ТРАМВАЙЛАРИ ОЛИНДИ.

Коренинг «Хундай» автобусларини харид қиш ҳам режалаштирилган эди. «Донг Нам Уз Моторс» компанияси билан ўзаро келишув асосида бундай имоний автобуслардан 10 таси Тошкентга олиб келинди.

Мазкур транспорт воситалари «18-автобус йўли» акциядорлик жамияти томонидан шаҳар йўналларида тасарруф этилмоқда.

Мухаммадрасул АЙМОВ

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 8 январда қабул қилинган "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу қарорга биноан юбилей олдидан адиб уй-музейининг тўлиқ таъмирланиши, асарлари асосида спектакллар ва телекўрсатувлар яратилгани — барчаси Абдулла Қаҳҳорга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Шунингдек, ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид тадқиқотлар, бир қанча рисола ва илмий тўпламлар чоп қилинди. Ёзувчининг танланган асарлари,

Кибрийё Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" китоби қайта нашр этилди. Мамлакатимиз олий ўқув юртлири, коллеж, лицей ва мактабларда, қорхона ва ташкилотларда адиб ижоди ҳамда ҳаётига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Абдулла Қаҳҳор асарларида адолат, ҳақиқат шухуи сезилиб туради, деб таъкидланди тадбирда. Улар, шак-шубҳасиз, бугунги авлод онгу тафаккурини бойитишда ҳам катта маънавий аҳамиятга эга меросдир. Атоқли адибга Алишер Навоий номи билан аталадиган мухташам боғда ҳайкал ўрнатилгани ҳам бежиз эмас,

албатта. Устоз ёзувчи тил ва миллатга, адабиёт ва ижодга бундай эҳтиромни умр бўйи оруз қилиб яшаган эди. Истиқлол шарофати билан сеvimли адибимизнинг армони ушалди.

Тадбир иштирокчилари Абдулла Қаҳҳорнинг Ўзбекистон санъат арбоби И.Жабборов томонидан яратилган ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Олим ТУРАКУЛОВ,
ЎзА муҳбири

АДИБ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЭЪЗОДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Адиб таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш арафасида юртимизда унинг серкирра ижодини чуқур ўрганиш, асарлари мазмун-моҳиятини ёшлар қалби ва онига синдириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Танланган асарлари, замонашларининг хотиралари чоп қилиниб, китоб-хонлар эътиборига ҳавола этилди. Театрларимизда Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида спектакллар сахналаштирилди. Маҳаллалар, таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳлари, меҳнат жамоаларида унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадвий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, адабий анжуманлар ўтказилди.

17 сентябрь — Абдулла Қаҳҳор таваллуд топан кун эрталаб адиблар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт мухлислари, ёзувчининг қариндошлари ва яқинлари унинг хотирасига ҳурмат ва эҳтиром бажо келтириб, қабрига гулчамбарлар қўйди.

Шу кун ижодкорнинг тубдан таъмирланиб, экспозицияси янада бойитилган уй-музейи адабиёт ихлосмандлари, ўқитувчилар, талаба ва ёшлар билан янада гажмх бўлди. Турли ҳужжатлар, нашрлар, фотосуратлар, овозли ва видео ёзувлар, тарихий ашёлардан иборат янги янганган экспозиция адиб ҳаёти, серкирра ижод йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Немис, инглиз, француз, болгар, румин, литва, эстон, хитой, корей тилларида чоп этилган китоблари, дунё мамлакатларининг юздан зиёд саҳнасида қўйилган пьесалари ҳақидаги маълумотлар Абдулла Қаҳҳор асарларидан жаҳоннинг қўлаб халқлари баҳраманд бўлаётганидан далолатдир.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида адиб таваллудига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳҳорони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Абдуғафур Расулов, адибнинг жияни, уй-музейи директори Нодира Жалолова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимизни раванг топтириш, унинг ривожига фидойилик қўсатган ёзувчи ва шоирлар хотирасини ёзувчи ва адабийлаштириш, меросидан халқимиз, айниқса ёш авлоднинг баҳраманд этишига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар. Абдулла Қаҳҳор каби адабиётимиз, она тилимиз фидойиларининг ўлмас асарлари ёшларда фаол ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, эл-юрт тақдири учун бурч ва масъулиятни астойдил ҳис этиш, эзгулик, ҳалоллик ва поклик руҳида тарбиялашда бекиёз аҳамиятга эгадир.

Кечада адибнинг шоғирдлари Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100

йиллигига

ҚУТЛУФ ДАРГОҲ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ АРАФАСИДА АДИБ УЙ-МУЗЕЙИ ТЎЛИҚ ТАЪМИРЛАНИБ, ЭКСПОЗИЦИЯСИ БОЙИТИЛГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий адабиётимиз ривожига бекиёз ҳисса қўшган намояндалар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ижоди ва маънавий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 8 январда қабул қилинган "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Ҳужжатда атоқли ёзувчи уй-музейи биносини таъмирдан чиқариш, экспозициясини бойитиш, адибга тегишли бўлган буюмлар, мебель ва санъат асарларини реставрация қилиш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Унга кўра, адиб уй-му-

зейининг биноси тўлиқ таъмирланди. Бу хайрли юмушга моҳир курувчилар, муҳандислар, дизайнер ва рассомлар жалб этилди.

Электр, коммуникация тармоқлари



янгиланди. Хоналарга кўриқлаш-сигнализация воситалари, ёнғинга қарши ҳавфсизлик техника қурилма ва мосламалари ўрнатилди. Бинонинг ички бегази ва интерьерини ишлашда Рифкат Габдурахмонов, Виктор Вяткин каби дизайнер-рассомлар иш олиб борди.

Уй-музей директори Нодира Жалолованинг таъкидлашича, архив идоралари, музейлар, илмий-маърифий муассасалар билан ҳамкорлик натижасида музей фонди адиб ҳаёти ва фаолиятига тегишли ҳужжатлар, қизиқарли материаллар, нашрлар, фотосуратлар, турли буюм ва ашёлар билан бойитилди. Жумладан, ўтган асрнинг 20-йилларида чоп этилган «Ер юзи», «Ислоҳ» каби газеталар нусхалари адиб ижодини ўша давр муҳитига монанд тарзда ўрганиш имконини беради. Аввалгисидан фаркли ўлароқ, музейнинг янги экспозицияси адиб таваллуд топан оила, унинг болалиги, ўсмирлик йиллари, талабалик даври, серкирра ижоди, ҳаёти ҳақида адабиёт мухлисларига тўлақонли маълумот беради. Янги экспозицияни яратиш чоғида адибга тегишли мебельлар, уй-рўзгор жиҳозлари, санъат асарлари реставрация қилинди.

Музейда эндиликда адиб ижоди билан танишиш, уни мукамал ўрганиш баробарида ўқувчилар, талаба-ёшлар учун адабиёт дарслари, маънавият сабоқлари, маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши учун барча шароит яратилди.

Саломатлигимиз захматқашлари

ЯНГИ ДАСТУРНИ ТАТБИҚ ЭТИШМОҚДА

ҚОННИНГ ҚИЙМАТИНИ ДУНЁДА ҲЕЧ НАРСА БИЛАН ТАҚҚОСЛАБ БЎЛМАЙДИ. ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ БЕМОР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН МУҲИМ ВОСИТА БЎЛИБ, ҚОН КАСАЛЛИКЛАРИДА (ОҒИР ДАРАЖАЛИ КАМҚОНЛИК, ОҚҚОН, ҚОН ИВИШ СИСТЕМАСИ БУЗИЛГАН КАСАЛЛИКЛАР), САРАТОН КАСАЛЛИКЛАРИДА, ТУҒРУҚХОНАЛАРДА ВА ТУРЛИ ХИЛ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА НИҲОЯТДА ЗАРУР. ДОНОРЛИК НАФАҚАТ АМАЛИЙ, БАЛКИ ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.


Қон донори — ўз қони ва унинг компонентларини тиббиёт эҳтиёжлари учун тақдим этадиган шахсдир. Қон донорлиги ва унинг компонентларининг асосий принциплари бу: ўз хоҳиши билан беимнат қонини бериш, қоннинг инсон учун хавфсиз ишлатилишидир. Донорларнинг қон ва унинг таркибий қисмларини тиббий эҳтиёжлар учун топширишлари, уларнинг инсонпарварлиги ва меҳр-шафқати ифодаси ҳамда республикамиз фуқароларининг саломатлигини химоя қилишдаги қўшган улushiдир. Шунингдек донорлик соғлом кишиларнинг беморларга нисбатан фуқаролик

бурчи ва маънавий вазифаси бўлиб қолиши лозим. Қон топширилиши ва бу қоннинг бирор бир инсон ҳаётини сақлаб қолиши, инсоннинг инсонга ҳаётига эгн олий даражадаги совғасидир.

Ҳозирги кунда бегараз донорликни аҳоли орасида ривожлантириш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Гематология ва Қон куйиш илмий-текшириш институти қон куйиш станцияси ходимларининг саъй-ҳаракатлари ибратлидир. Институт ходимлари томонидан олий ўқув юртлирида учрашувлар ўтказилмоқда. Шу мавзуга доир плакатлар, буклетлар нашр этиш кўзда тутилган. Шунингдек институтнинг қон куйиш сайёр бригадаси томонидан олий ўқув юртлирида донордан қон олиш ташкил қилинган. Шунингдек таъкидлаш керакки, Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти, Соғлиқни сақлаш ва Олий ва ўрта таълим вазирликлари билан биргаликда республикада бадалсиз донорликни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиққан. Жамоатчилик ташкилотлари, жумладан «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, «Қамолот» ЕИХ бадалсиз донорликни ривожлантиришда биргаликда иш олиб боришмоқда.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти фаолиятдан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан пахтачиллик ва тўқимачилик соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар натижаси ўлароқ, энг юқори жаҳон стандартлари асосида пахта еткириши, уни қайта ишлаш ва сотиш бўйича замонавий тизим яратишга қаратилган мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тола сифатини инструментал баҳолашда ҳолда тоилаб сертификация қилиш тизими жорий этилди, бу эса жаҳон бозорига маҳсулотимизга бўлган талабни янада оширди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш асосида пахта етиштириш тизими такомиллаштирилмоқда. Фермер ва деҳқонларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ўзбек пахтаси ҳосилдорлиги орттириши, сифати яхшиланиши билан бирга уни етиштиришнинг иқтисодий самардорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ишга замонавий тўқимачилик саноати эҳтиёжларига жавоб берадиган энг мақбул истеъмол хусусиятларига эга пахта навларини етиштириш билан шуғулланувчи селекционерларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Илғор технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш ҳисобидан пахта толасини тўла қайта ишлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Барқарор хомаша базасига, зарур энергоресурсларга, юқори саноатий мутахассисларга эга бўлган Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасида янгида-янги замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Яқин келажакда республикада етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизига булган қисми ўзимизда қайта ишланади. Соҳага жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар, қонунчилик йўли билан му-

стаҳамланган имтиёз ва преференциялар натижасидир.

Айни пайтда пахта толасини экспорт қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, сўнгги йилларда тўқимачилик саноати барқарор ривожланаётган Осиё давлатлари, хусусан, Хитой, Бангладеш, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларга энг юқори сифат кўрсаткичларига эга пахта толасини экспорт қилиш кўпаймоқда. Илгари бўлиб ўтган иккита халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида узок муддатли самарали ҳамкорлик асослари яратилган эди. Ана шу

фатини оширишга доимий эътибор қаратгани ҳолда бу соҳага оид барча халқаро тадбирларда фаол иштирок этмоқда, пахта етиштириш технологиясини такомиллаштириш, юқори сифат кўрсаткичларига эга пахта толаси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган сармоялар ҳажмининг оширишмоқда.

«Cotton Outlook» журналі бошқарувчи директори Р.Батлер пахтачиллик ва тўқимачилик саноати ривожланиши жараёнига халқаро талаблар нуктаи назардан умумий ёндашуви Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўла-

Market Co. Ltd» компанияси бош директори Б.Южань, Халқаро пахта уюмларининг биринчи вице-президенти Э.Херстаус, «Русское хлопковое сообщество» президенти аъзоси Н.Качалов, Туркия Пахтачи қайта ишловчилар уюмси бошқаруви аъзоси И.Қожаев, Бангладешда чоп этиладиган «Cotton Bangladesh» журналининг бош муҳаррири К.Ахсан, Покистон тўқимачилик корхоналари уюмсиаси қотибияти аъзоси А. Ул Ҳақ, Хиндистоннинг «Gill & Co.Pvt.Ltd» компанияси директори М. Шах ва бошқалар ўзбек пахтасининг юқори сифати унинг харид қилиш ҳажмининг ошишида ва бевосита алоқаларининг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Бундай ҳамкорлик асоси — Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги, хорижий ҳамкорлар учун кафолатланган шарт-шароитлар яратилгани билан бевосита боғлиқдир.

Халқаро конференция иштирокчилари турли мамлакатлар ва минтақалардаги пахта бизнесининг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Пахтачиллик ва тўқимачилик саноатида жаҳон бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нарх белгилаш, ишлаб чиқариш ва маркетинг масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг пахта бозоридидаги етакчилардан бири сифатида, унинг конъюнктурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши таъкидланди. Мамлакатимизнинг иқтисодиётдаги кенг қўламли ишловларга асосланган ютуқлари кўпга давлатларга ўрناк бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ўзгаришлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, унга сармоялар жалб этиш, рақобатбардор маҳсулотлар ҳажмининг кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА муҳбири



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ НУҒУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

ди, дея қайд этди. Бу соҳаларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ижобий ўзгаришлар бунинг яққол далилидир. Жаҳон пахта бозоридидаги кучли рақобат шароитида Ўзбекистон унинг энг етакчи иштирокчиларидан бири мақомини олди. Шу тўғрисида айнан Тошкент жаҳоннинг пахта савдоси марказига айланди. Ўзбекистон ўзининг кучли нарх сибсатини юритмоқда. Айни пайтда мамлакатда пахта истеъмоли бўйича ички бозорни, тўқимачилик соҳасини жадал ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан «Cotton Outlook» журналининг бош директори Г.Фишер, Хитойнинг «Tianjin Cotton Exchange

Тиббиёт

СИФАТЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

«ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОНЦЕРНИ ЎЗ АТРОФИГА 20 ДАН ОРТИҚ КОРХОНАЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН. УЛАР АРАСИДА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ҲАМ АНЧАГИНА. УЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.

«Фарм Гласс» қўшма корхонаси эса шприц ва вакуум билан тўлдирилган ампулалар тайёрлашда «Мед Гласс» шўба корхонаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бундан ташқари «Новофарма плюс» қўшма корхонаси эса жорий йилнинг ўтган даври мобайнида неча миллион дона флакон кукун кўринишидаги антибиотиклар тайёрлаб берди ва бу хил маҳсулотларни маҳаллийлаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилганлиги билан ушбу қўшма корхона бошқарувида ажралиб туради.

ХАРИДОРГИР ПРЕПАРАТЛАР

«СОЛВАРЕ» ДЕБ НОМЛАНГАН КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА. «БОТАНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН БУ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ БОТАНИК ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШЛАРИ АСОСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ДОРИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА.

«Мўжиза», «Яхши кайфият» каби доривор воситалар тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилди.

«Қаҳҳорин чойлари» эса шифобахш гиёҳлардан тайёрланиб, инсон дардидаги малҳам бўлиб хизмат қилади.

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

РЕСПУБЛИКА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ КЛИНИК БЎЛИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТУРЛИ МУОЛАЖАЛАР НАФАС ЙЎЛЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Эндиликда бундай бўлим транспортирлар тиббий санитария қисмида ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Шунингдек, қисмда «Тошкент Давлат тиббиёт академиясининг терапия кафедраси шохобчаси очилди. Кўрилан бу тадбирлар «Тошхавартрансхизмат» уюмсиаси корхоналари ишчи-хизматчилари учун малакали тиббий хизматни уюштириш имконини берди.

Санъат

«ТҮМАРИС» ЯНА САҲНАДА

ТАНИҚЛИ БАСТАКОР УЛУҒБЕК МУСАЕВ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН «ТҮМАРИС» БАЛЕТИ ЎЗБЕК ТЕАТРИ САНЪАТИДА МУҲИМ ВОҚЕА БЎЛГАН ЭДИ. ЎЗБЕК ҚАҲРАМОНЛИК ЭПОСИ ЯНГИЛГ ЮЗАГА КЕЛГАН БУ АСАР ЎЗИНИНГ ЁҚИМЛИ МУСИКА САДОЛАРИ БИЛАН ҲАМ ТОМОШАБИНЛАР ТОМОНИДАН ЯХШИ КУТИБ ОЛИНГАН ЭДИ.

Мана шунга ҳам бир неча йиллар бўлди. Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуридан ўрин олган мазкур спектаклнинг янги саҳнавий талқини тайёрланди.

Театрнинг балет гуруҳи уни қайта постановка қилар экан, балетга замонавий руҳ бахш этди. Айрим саҳналар безатилиши билан эътиборни ўзига тортади.

«Тўмарис» театр янги ижодий мавсумининг дастлабки спектакли янгилик мухлисларга тақдим этилди.

ИЖОД НАМУНАСИ

ЎЗБЕК БАЛЕТИ САҲНА УСТАЛАРИ ТОМОНИДАН ПОСТАНОВКА ҚИЛИНАЁТГАН СПЕКТАКЛЛАРДАН БИР НЕЧАСИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ РЕПЕРТУРИДАН ЎРИН ОЛГАН. «ХУМО» ДЕБ НОМЛАНГАН БАЛЕТ АСАРИ ЭСА ШУ САНЪАТ КОШОНАСИДА 2005 ЙИЛДАН БЕРИ НАМОЙИШ ҚИЛИБ КЕЛЛИНМОҚДА.

Таниқли бастакор Анвар Эргашевнинг бу ижод намунаси эндиликда мухлисларнинг сеvimли спектаклига айланиб қолди. Ушбу асарнинг сахналаштирилиши мамлакатимиз мусиқа ижодиётида муҳим воқеа бўлди. Шу сабабли ҳам «Хумо» постановкаси Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори деб топилди.

Бу муваффақиятдан илҳомланган бастакор ўзининг навбатдаги балети мусиқасини ёзишга киришди. У янги асарни учун улуг рус ёзувчиси Антон Чехов пьесаларини асос қилиб олди. «Чайка», «Уч опа-сингли» каби пьесалар бўйича ёзилган либретто янги балетда ўзининг бадвий саҳнавий талқинини топади.


КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИДА

ЎЗБЕК КЎҒИРЧОҚ ФИЛЬМ УСТАЛАРИ КИЧКИНТОЙЛАРНИ ҚИЗИҚАРЛИ ЭКРАН АСАРЛАРИ БИЛАН ХУШНУД ЭТИБ КЕЛМОҚДА. ШУ БИЛАН БИРГА КОМПЬЮТЕРЛИ МУЛЬТИПЛИКАЦИОН КЎҒИРЧОҚ ФИЛЬМЛАРИ ЯРАТИШ БОРАСИДА ҲАМ ДАСТЛАБКИ ИЖОДИЙ ТАҲРИБА ОРТТИРИЛДИ.

Компьютер графикасида бундай янги жанрдаги фильмлардан дастлабки «Топотун» деган экран асари ҳисобланади. «Ўзбекфильм» киностудиясининг моҳир режиссёри ва рассоми Дмитрий Власов чизган расмлар ушбу экран асарида жонлантирилган эди.

Изланувчан санъаткор навбатдаги ижод намунасини «Саҳий шахзода» деб номлади. Йигирма дақиқа давом этадиган мазкур компьютерли мультипликация ҳам томошабинлар томонидан яхши қутиб олинди.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

ҲИҚМАТЛАР

Уятсизнинг кўзи қаттиқ бўлади.

Бахиллик уятсиз кишининг доимий одати.

Уятсиз тили тўғри сўз сўзламайди.

Уятсиз кимсадан андиша йироқ, Уятсиздан йироқ юрган ахшироқ.

Уятсизнинг юзи — гўштсиз бир суяк, Уятсиз касалдир, тузалмас бешак.

Уят кишининг юзига сув беради. Кишининг юзига сув тегса, у чиройли бўлади, бошқаларнинг диққат-этиборини тартади, обрўси ортади.

Киши чиройига ички дунёси эшидир, Юз кўрки билан унинг феъл-атвори тенгдир.

Унинг ташини кўриб, ички дунёсидан андоза ол, Унинг ичи ташидек, таши эса ичидек.

Тетик бўлмаса, киши ишни ўнглай олмайди, Одам ишни тетиклик билан қилади.

Кўнгли юмшоқ бўлса, кишини хурсанд қилади, Хурсанд кишилар эса ишни ўрнига қўяди.

Суякли бўлади очик дил киши, Дили тошининг қарғиш қозонмоқ иши.

Улуғлик олади киши камтари, Улуғликка етмас дағал аксари.

Ёмон қаерда бўлса, унинг ёмон, ярамас жўралари, дўст-оғайнилари ҳам ўша ерда бўлади.

Ёмон билан яхши бир-бирига қоршмайди.

Тўғри билан эгри бир жойда туролмайди.

Қора тун, ёрғун кун — бир-биридан йироқ, Яшил сувга қизил ўт бўлмас кўноқ.

Агар нотаниш одамнинг кимлигини билмоқчи истасанг, унинг таниш-билишларини сўра, суриштир — шунда ҳамма нарса ойдинлашади.

Ёмонга қўшилма, чунки ёмоннинг яхиси ҳам, барибир, ёмондир. У охир-оқибатда ғам-аламларга гирифторм қилади.

Дастурхонни кенг, кўли очик кишилар кўпчиликнинг бошини қовуштира олади.

Эрак киши ор-номусни деб ёвга отилади, ундан ўчини олади. Ор-номус тўфайли у ёв лашкарини пароканда қилади.

Урушда энг аввал беномуслар чекинади, орқага қараб қочади.

Ор-номусни ўйлаб, кўрқоқ ботирлик қилади.

Юракли деган ор-номусли бўлади, Ор-номусли киши ўлса (ҳам), урушиб ўлади.

Хушмуомала киши одамлар кўнглини иситади.

Тили тез, жоҳиллардан одамлар ўзларини четга олишади.

Хулқи манзур бўлса, кўнгли очик бўлса, Бу сифатлар билан ўзини халққа сеvimли қилади.

Кўнгли ғурури гофилликнинг остонасидир.

Гофил ё эрта синади, ё бевақт ҳалок бўлади.

Ёмонларга газаб, яхшиларга ҳурмат кўрсатилиши керак.

Эзгулар эзгуликдан баҳра олишади.

Киши эзгуликни кўриб, ўз тани, жонини ҳам фидо этади.

Эзгулик этгин сен — олам кул бўлур, Олам эзгуликка тўла, мўл бўлур.

Кишилиқ қилишга киши бўл мудом, Чин инсон бўлишга шу хил йўл бўлур.

Урушда зўр арслон юраги керак, Курашда-чи, қоплон билгаи керак.

Ёлғончига эл ишонмайди.

Саховат эр номини ёяди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

2007—Ижтимоий ҳимоя йили

МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

ХАЛҚИМИЗДА «МАҲАЛЛА» — ОТА-ОНАНГ» ДЕГАН ҲИҚМАТЛИ ИБОРА БЕЖИЗ ҚЎЛЛАНМАЙДИ, САБАБИ, ҲАР БИР ИНСОН МАҲАЛЛАДА ТУГИЛАДИ, УЛҒАЯДИ ВА ЯШАЙДИ. БУ ҒЎШАДА ЯШАЁТГАНЛАР БИР-БИРИГА ЕЛҚАДОШ, КЎМАКДОШ БЎЛАДИ.

Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида фуқаролар йиғини ташаббуси билан байрамларда турли хил тадбирлар уюштириш одатий ҳолга айланган. Кўни кеча эса маҳалла ҳудудидаги Маҳкам ота Қорабоев номидаги гузарда ўтказилган хайрия тадбири юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди.



Тадбирга маҳалланинг нуруний отахонлари, онахонлари, фаоллари ва ёшлари, кам таъминланган оилалар аъзолари таклиф этилди.

—Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги хайри иш бўлди,—деди тадбирни очган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Эргашев.—Чунки мазкур йилда маҳалла-мизда яшовчи нуруний отахонлару онахонлар, ёш болали оналар, меҳрга ташна ногиронлар, балоғат ёшига етган ўсмирлар ҳамда кизлар шифокорлар кўмагида тиббий кўриқдан ўтказилди. Ҳар бир байрамда кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида хайрия тадбирлари уюштиришга, меҳрга ташна инсонларга совға улашишга интиламиз. Бугунги тадбирдан кўзлаган мақсадимиз ҳам маҳалладошлар бир дастурхон атрофида йиғилиб, дийдор кўришиш, кадрдон масканимизни янада обод қилиш бўйича маслаҳатлашиб олишидир.

Дарҳақиқат, тадбир жуда кўнглили ўтди. Хушовоз хонанда Озодбек Тилланазаров етакчилигида тадбирга ташриф буюрган санъаткорлар ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганлар кўнгли-



ни хушнуд этди. Маҳалла аҳли учун дастурхонг тортилган ўзбекистон миллий таоми палов лаззағидан ҳамма баҳраманд бўлди. Шу кун тадбирда иштирок эта олмаган қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олдинди, уларга эсдалик совғалари тўхфаз этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ СУРАТЛАРДА: «Кулолқўрғон» маҳалласида ўтказилган тадбирдан лавҳалар Ҳақимжон Солихов олган суратлар

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ОЧИЛДИ

РЕСПУБЛИКА КИНОЧИЛАР УЙИДА «КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕДА СПОРТ» МАВЗУИДА ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ОЧИЛДИ. У ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ, «КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕДА СПОРТ» ХАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПНИЯСИ, ЮРТИМИЗДАГИ БИР ҚАТОР СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ, «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Фестивалнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда ҳар томонлама етуқ ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сийбосининг устуви йўналишларидан бирига айлангани таъкидланди. Бу эса жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, уни оммалаштириш, хотин-қизлар, ёшларни спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан чамбарчас боғлиқдир.

ган ютуқларни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда телевидение ва киновнинг ўрни катта, — дейди киношунос олима Сабоҳат Ҳайитматова. — Сўнгги йилларда юртимизда бу мавзуда кўплаб фильмлар яратилди. Мазкур фестивал уларнинг энг сараларини танлаб олиш имконини беради.

Фестивалда ўзбек киножодкорларининг «Универсиада — 2007», «Ўзбек спорти олимплари», «Спорт маликалари», «Кўпқари», «Тумарис.Сўнгги сўз» каби фильмлари билан биргаликда Россия, Германия, Испания, Италия, Финляндия, Польша, Австралия каби мамлакатларнинг спорт мавзусидаги бадиий, ҳужжатли ва телевизион фильмлари ҳам намойиш этилади.

Фестивалнинг турли номинациялари бўйича совриндор бўлган ҳамда Гран-прига сазовор фильмлар шу йил октябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилаётган «Кино ва телевидениеда спорт» халқаро фестивалига тақдим этилади.

(ЎЗА)

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ЎТКАЗИЛГАН 20-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ШАҲРИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ЖАМОАЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Шуниси қувонарлики, турнир жадалининг сўнгги погонасида бораётган «Локомотив» жамоаси ўз майдонида Игорь Шквирин бош мураббийлигидаги «Қизилқум — Олтин» командаси билан куч синашиб ҳужумкор ўйин намойиш этди ва рақиблари устидан 3:0 ҳисобидаги ажойиб ғалабага эришди. Тўпларни дарвозага Халимтоев (2 та), Ибодуллоевлар киритишди.

Меҳмонда «Шўртан» жамоасига қарши майдонга тушган тракторчилар мезбонлар билан тенгма-тенг кечган, муросасиз учрашувда 3:3 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этишди ва сафардан бир очко билан қайтишди.

Ушбу турнир марказий учрашуви ҳисобланган «Насаф» — «Пахтакор» баҳсида омад тошкентликлар тарафидан бўлди. Нигериялик легионер Уче томонидан мезбонлар дарвоза-

сига киритилган ягона гол пахтакорчиларга ғалаба келтирди.

Олий лиганинг янги вакили «Курувчи» эса ўз майдонида «Тўпаланг» жамоаси билан куч синашиб, 90 дақиқа мобайнида тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этди ва 4:1 ҳисобида муваффақият қозонди. Мухлисларни қувонтирган голларни «Курувчи»дан — Мўминжонов (2 та), Гочкулиев, Лушчан, «Тўпаланг»дан — Келдиев киритишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Металлург» — «Машъал» — 0:2, «Вобекен» — «Самарқанд-Динамо» — 2:2, «Нефчи» — «Навбахор-Н» — 1:1, «Андижон-Ўз» — «Бу-хоро» — 0:0.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 21-тур баҳслари 22, 23- сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

ОЗАРБОЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА БОКС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ БОКС МАКТАБЛАРИДАН БИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКАНИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ИСОТЛАШДИ.

Нуфузли мусобақада барча рақибларини мағлубиятга уратган ҳамюртимиз ўқитма Раҳмонов шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарилиб, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Шунингдек, Боку шаҳридаги жаҳон чемпионатида Жалолоддин Ҳафизов ва Авазбек Акрамов ўз вази тоифасида қумуш медални кўлга киритди. Яна икки нафар спортчимиз — Фазлиддин Ғоиназаров ва Машҳурбек Рўзиев эса бронза медал билан тақдирланди.

Мусобақада кўлга киритилган медаллар шодаси Ўзбекистон терма жамоасини умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашини таъминлади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ШОҲСУПАСИДА

GERMANYNING ШТУТГАРТ ШАҲРИДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ҚАТОРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ҲАМ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТДИ.

Эраклар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган гимнастикачимиз Антон Фокин брусъюда бажарилган машқларда 16,200 балл тўплаб, учинчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

ЭСТОНИЯНИНГ ОТЕПЯ ШАҲРИДА ЁЗГИ БИАТЛОН БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЎНДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН КЕЛГАН ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАР ҚАТОРИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАМ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз орасида Руслан Носиров ўсмирлар ўртасида олти километр масофага ўтказилган масстарт беллашувларида маррага иккинчи бўлиб етиб келиб, жаҳон чемпионатининг қумуш медалини кўлга киритди.

ЖАЪФАР — ДУНЁ ТЎПУРАРЛАРИ РЎЙХАТИДА

GERMANYNING ВИСБАДЕН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ /IFFHS/ РАҲБАРИЯТИ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТЛАРИ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЖАМОАЛАРДА ФАОЛИЯТИНИ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАН ВА ИККИ ЮЗДАН ЗИЁД ГОЛ КИРИТГАН ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ЖОРИЙ

ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Унга кўра, олий лига миқёсида 332 та учрашув ўтказиб, рақиблар дарвозасига 208 та гол киритган ўзбекистонлик ҳужумчи Жаъфар Ирисметов дунёнинг энг кучли тўпурарлари рўйхатида йигирманчи поғонада қайд этилган.

Фаолияти давомида бир неча маротаба Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон чемпионатларининг энг яхши тўпурари бўлган ҳамюртимиз айни пайтда Қозоғистон суперлигасида қатнашаётган «Олмаота» жамоаси шарафини ҳимоя қилмоқда. Бу йилги мавсумда ҳам тўққизта гол киритган Жаъфар Ирисметов Қозоғистон чемпионати тўпурарлигига асосий даъвогарлардан ҳисобланади.

КИКБОКСИНГ УСТАЛАРИ

Андижон шаҳрида Истиклолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган кикбоксинг бўйича «Олтин водий» халқаро турнирида ҳамюртларимиздан ташқари Қозоғистон ва Қирғизистондан келган спортчилар голиблик учун куч синашди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда ўз вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга уратган Ўзбекистонлик Д.Салимов, А.Бурхонудинов, С.Раҳмонкулов, Х.Комиллов, Х.Тожиматов, М.Азимов, Д.Аҳмаджонов, У.Холматов, қирғизистонлик спортчилардан О.Мадалиев, Ю.Маҳкамов, Н.Мақсимова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди.

Эраклар ўртасидаги мусобақанинг деярли барча олтин медаллари Ўзбекистонлик кикбоксинг усталари — Ш.Қозоқов, Д.Дарвешов, Н.Мамажонов, З.Болтаев, З. Нуриддинов, М.Рўзиев, Д.Ризаев, Ю.Душобоев, А.Аринкуловга насиб этди. Шунингдек, Қирғизистондан келган Д.Қозиматов ҳам мусобақа голиби бўлди.

Боҳир БЕК

ОМАД ЁР БЎЛСИН

УКРАИНАНИНГ ХАРЬКОВ ШАҲРИДА ТЕНИС БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ.

Мукофот жағғармаси 100 миң АҚШ доллари тенг бўлган ушбу халқаро турнирда дунёнинг 19 малака-тидан ташриф буюрган ракетка усталари иштирок этмоқда.


Қувонарли томони, яқиндагина пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида голибликни кўлга киритган ҳамюртимиз Ирода Тўлағанова ушбу турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Биз Ўзбекистонлик мухлислар номидан Иродага омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2007 йил 31 августдан бошлаб 30 сентябрга қадар



Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Хадре майдони

2007-2008 йилги МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам дастури Бутун сентябрь ойида Шанба кунлари—12.00, 15.00 Яшанба кунлари—12.00, 15.00 Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Ёшонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 806

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босята табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа ашқардорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5